

АКАДЕМИК ЯХЁ ҒУЛОМОВНИНГ ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ АРХЕОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Саидбеков Дилмуродбек Насирдинбек ўғли

Андижон давлат Университети Тарих факултети 2 -Курс магистранти.

Аннотсия: *Мазкур мақолада академик яхё Ғуломовнинг Қашқадарё воҳаси археологиясини ўрганишга қўшган ҳиссаси, Олим дастлабки тадқиқот ишлари муваққиятлари ҳақида ма’лумотлар берилган.*

Калит сузлар: *археология, меъморий ёдгорлик, тадқиқот, академик.*

Ўзбекистон тарихи ва археологиясининг зукко билимдони, академик Яхё Ғуломович Ғуломов биринчи ўзбек қадимшуноси сифатида меросимизни сақлаш ва мукамал ўрганишга қатъий бел боғлаган буюк олимлардан биридир. Аллома қарийб ярим асрлик илмий фаолияти даврида Қашқадарё воҳаси археологияси муаммоларига ҳам жиддий эътибор берган ва уни ўрганишга бевосита раҳнамолик қилган эди. Я. Ғуломовнинг илмий фаолияти асосан 1933 йилдан бошланган. Айнан шу йилдан Ўзбекистоннинг тарихий ёдгорликларини сақлаш ва илмий ўрганиш Республика қўмитаси (“Узкомстарис”) да дастлаб илмий ходим, кейинчалик илмий котиб сифатида фаолият юритган. Илк бор у 1933 йилда М.Е. Массон раҳбарлигида Термиз, 1934 йилда эса Россия Давлат Эрмитажи ва “Узкомстарис” томонидан уюштирилган Зарафшон экспедициясида иштирок этган. ишини Қашқадарё воҳасидаги меъморий ёдгорликларни тиклаш ва муҳофаза қилиш бўйича қисқа муддатли экспедиция уюштириб, Шаҳрисабз шаҳридаги Темурийлар даврида бунёд этилган меъморий ёдгорликларни ўрганиш учун ташриф буюради. Чунки, XX асрнинг 20-30-йиллари XV аср меъморий ёдгорликлари муҳофазасига оид кўплаб тадбирлар амалга оширилганлиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Шаҳрисабз шаҳридаги меъморий ёдгорликлар XV асрдаёқ, хорижий сайёҳ ва элчилар нигоҳида бўлганлиги тарихий манбалардан маълум. Шундан келиб чиқиб, археологлар Я. Ғуломов, Т. Мирғиёсов, С.К. Кабанов, С.А. Судаков ва фотограф Н.С. Ложкин биргаликда мазкур ноёб ёдгорликларнинг аҳволи, тиклаш ва таъмирлаш ишларини олиб боришга қайси ёдгорликлар муҳтож эканлигига аниқлик киритишган. Я. Ғуломов бошчилигидаги қадимшунослар томонидан, айниқса Шаҳрисабз шаҳридаги Ҳазрати Имом, Кўкгумбаз, Гумбази Саййидон каби йирик меъморий ёдгорликларни текширишга ва тиклашга доир ишлар олиб борилган. Бу борада фотограф И. Завалин томонидан юзлаб суратлар туширилиб, Узкомстарисга тақдим этилган. Я. Ғуломовнинг фикрича, Шаҳрисабздаги Ҳазрати Имом мақбарасидан шарқда даставвал “Жаҳонгир даҳмаси”, деб белгиланган сағана жойлашган. Доруссаодатнинг шарқий ўқида жойлашган сағана шаҳзода Жаҳонгирники, Тарағай мақбараси эса Дорут-

тиловат мадрасасида жойлашган (Гулямов,1949. С. 102-103, 106).Я. Ғуломов Ўзбекистоннинг қадимги даврига оид ёдгорликларни ўрганишга(тош, энеолит ва жез даврлари) аниқса катта ҳисса қўшган. Олим Зарафшон воҳасида дастлабки деҳқончилик манзилгоҳларининг вужудга келиши ва ривожланишини ўрганиш, Муборакнинг Бухоро вилояти билан чегарадош ҳудудидаги тош ва жез даврига тааллуқли ёдгорликларни аниқлаш учун Қашқадарёнинг қуриб қолган қадимги ўзанида қидирув ишлари олиб борган. Чунки, 1963 йилдан АмуБухоро канали қурилиши бошланади ва Қарши чўлининг шимоли-ғарбий қисмида археологик тадқиқот ишлари ҳам олиб борилади. Қашқадарёнинг гидрографиясини махсус ўрганиш, энеолит ва жез даврига тааллуқли ёдгорликларни излаб топиш ўзининг самарасини беради (Гулямов,1965. С. 20-21). Археологик тадқиқотлар жараёнида топилган моддий ашёлар ва қуриб қолган қадимий ўзандан маълум бўлдики, Қашқадарё XIII асргача Зарафшон дарёсига қуйилган. Ўз навбатида қадимги даврларда эса Зарафшон дарёси Амударёга қуйилган. 1963 йилда Я. Ғуломов раҳбарлигидаги Моҳандарё археологик отряди (А. Асқаров, А. Муҳаммаджонов, Р.Х. Сулаймонов, Э. Дадабоев ва бошқалар) Қашқадарёнинг қадимги қуруқ ўзани бўйлаб текширишлар ўтказди. Натижада, унинг Зарафшонга томон оққан излари ва қуйилган жойи ҳамда сув оққан даврлари аниқланди.Қуйи Қашқадарёдаги Хўжамуборак, Сарик, Ших ва Кўхнашаҳар қишлоқларигача зўрға етиб келадиган Қашқадарё ирмоғи бир неча минг йиллар муқаддам кучли оқим билан шимоли-ғарбга томон давом этган. Бу масалалар кейинчалик, Я. Ғуломовнинг шогирдларидан бири, академик А.Р. Муҳаммаджонов томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларида ҳам ўзининг аниқ исботини топди(Муҳаммеджонов, 1973. С. 16). Қашқадарё воҳасидаги иккинчи жаҳон урушидан кейин, 50-60 - йилларда, аниқса, XX асрнинг 70-йиллар бошларида кенг қамровли, археологик изланишларнинг ҳам илк маслаҳатчиси академик Я. Ғуломов ҳисобланган. Академикнинг шогирди И. Аҳроров билан биргаликда Яккабоғ туманидаги даҳмалар бўйича изланишлари натижаси ҳам матбуотда эълон қилинади (Гулямов, Аҳроров, 1969. С. 26-30). 1999 йил баҳорида Қарши шаҳри тарихига бағишланган халқаро илмий анжуман ўтказилиб, Я. Ғуломовнинг шогирдлари – қадимшунос олимлар ҳам фаол қатнашдилар. Бу йирик анжуман Қарши шаҳри ёшини аниқлашда муҳим якуний босқич бўлиб хизмат қилди. 2002 йилда Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигига, 2006 йилда эса Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига ва Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишлаб, вилоятда академик Я. Ғуломов номидаги Республика илмий семинари анжуманлари муваффақиятли ўтказилди. Шунингдек, 2006 йил 27 октябрда Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция уюштирилди. Буларнинг бари академик Я. Ғуломов орзулари рўёбга чиққанлигининг яққол исботидир.

Академик Я.Ғуломовни жаҳон илм-фан намояндалари ҳам тан олишган эди. Масалан, дунёга машҳур россиялик олим (Санкт-Петербург), академик Б.Б. Пиотровский куйидагича ёзади: “Яҳё Ғуломовнинг Ўрта Осиё хўжалик ҳаётининг асоси ҳисобланган суғориш соҳасидаги тадқиқотлари ҳақиқатан ҳам ниҳоятда буюқдир” (Муҳаммеджонов, 1998. С. 5-6). «Ўтган XX асрнинг 70-йиллари ўрталарида азим Тошкент шаҳрининг Гоголь(ҳозирги академик Я. Ғуломов) номидаги кўчасида жойлашган ЎЗР ФА Президиуми биносидagi Тарих институтига илмий тадқиқот ишлари юзасидан ҳурматли устозимиз Карим Шониёзов ҳузурига борганимда академик Яҳё Ғуломовни яқиндан кўришга муяссар бўлганман. Алломанинг К. Шониёзов ва бошқа етакчи илмий ходимлар ҳамда аспирантлар билан мулоқотларини тинглаб, у кишининг ниҳоятда оддийлиги, камтарлиги ва билимдонлигининг гувоҳи бўлганман. Я. Ғуломов ўз навбатида маҳаллий этнограф – элшунослардан ҳам ўзининг самимий маслаҳатларини асло аямас эди» (О. Бўриев). Академик Я. Ғуломов ўз касбини чиндилдан севган етук тадқиқотчиларнинг биргаликда қилган меҳнати нақадар самарали бўлишини, дўстона жамоада ишлаш эса устоз учун ҳам, шогирд учун ҳам чинакам бахт эканлигини уқтирган: “Дўстлик ва ҳамкорликда фазилат катта, ҳар бир ишни бажаришда у улуғ кучдир; биз бизнинг мамлакатамизда фидокорона меҳнат қилиш – бу Ватанни севиш демакдир” (Муҳаммеджанов, 1986. С. 40).

“Ана шундай ватандошларимиздан бири машҳур археолог олим, академик Яҳё Ғуломов эди. Ўз даврининг фидойи алломаси бўлган бу инсонни мен яхши билардим. У ўзининг мустақил фикрга эга бўлган, керак бўлса юқори лавозим эгаларига ёқмайдиган тўғри гапларни ҳам дадил айта оладиган улкан олим эди. Тарихчилар яхши билади, одатда, тепаликлар қаърида тарихий обидалар, бутун бир шаҳар қолдиқлари ястанган бўлади. Шўро даврида фақат томлардагина пахта экилмай қолган бир пайтда ана шундай қадимий тепаликларни ҳам текислаб, пахта даласига айлантиришдек бемаъни сиёсат авж олган эди. Бундай номаъқул ишга жасур олим Яҳё Ғуломов қарши чиққанини мен яхши эслайман. Унинг ана шу фазилати туфайли тазйиқ кўрганини ҳам эшитганман. Лекин бу инсон ўзининг қалбидаги маънавий жароҳат ҳисси туфайли ҳаётий ва илмий қарашларида собит турганини маданий жамоатчилигимиз яхши билади. Мен ўйлайманки, адолатни ҳамма нарсадан устун деб биладиган, тарих ва келажак олдидаги масъулиятини ҳис этадиган, ҳақиқий ватанпарвар одамгина шундай мардликка қодир бўлади” (Islom Karimov, 2008. С. 166-167).

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон мозий тарихи ва қадимшунослиги фанини юксак поғонага кўтарган ўзбек археологлари яловбардори академик Яҳё Ғуломовнинг илм-фан оламида қолдирган буюк мероси тарихшунослигимиз саҳифаларида ўчмас ва ёрқин саҳифа бўлиб абадий қолаверади.

FOYDALANGAN ADABIYOTLAR:

1. Islom Karimov, 2008. С. 166-167
2. Муҳаммеджанов, 1986. С. 40
3. Муҳаммеджонов, 1998. С. 5-6.
4. Гулямов, Ахроров, 1969. С. 26-30